

ҚОРАҚОЛПОҒИСТОНДА БОЗОРЛАР ҚУРИЛИШИ ВА АРХИТЕКТУРАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

И.С Аимбетов

Докторант, Тошкент архитектура-қурилиш университети

Аннотация: Мақолада Қорақолпоғистонда мустақиллик йилларида қурилган бозорлар мавқеи, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни. Шаҳарсозлик даражасига қарав маҳаллий, минтақавий, миллий ва жаҳон бозорларига ажратиш. Бозор иншоотларининг архитектуравий ечимлари тоғрисида. Ўзбекистонда тарихий бозорлар “тим”, “тоқ”, “чорсу” типигаги усти ёпиқ бозорлар архитектураси. Мустақиллик йилларида Қайта тамирланган айрим савдо биноларининг маҳаллий иқлим шароитларига мос келмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек деҳқон бозорларини шакллантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Қорақолпоғистон, мустақиллик йиллари, бозорлар, савдо иншоотлари, тим, тоқ, чорсу, ёпиқ бозорлар

Аннотация: В статье раскрывается положение рынков, построенных в Каракалпакстане за годы независимости, их роль в общественной жизни. Они делятся на местные, региональные, национальные и глобальные рынки в зависимости от уровня городского планирования. Представлена информация об архитектурных решениях рыночных объектов, архитектуре закрытых рынков Узбекистана, таких как «тим», «ток», «чорсу». Было отмечено, что некоторые коммерческие здания, отремонтированные за годы независимости, не подходят для местных климатических условий. Есть также предложения по формированию декханских рынков.

Ключевые слова: Каракалпакстан, рынки, торговые объекты, тим, ток, чорсу, крытые рынки.

Annotation: The article reveals the position of markets built in Karakalpakstan during the years of independence, its role in social life. They are divided into local, regional, national and global markets depending on the level of urban planning. Information is provided on the architectural solutions of market facilities, the architecture of indoor markets in Uzbekistan, such as “tim”, “tok”, “chorsu”. It has been pointed out that some of the commercial buildings renovated during the years of independence are not suitable for local climatic conditions. There are also proposals for the formation of farmers' markets.

Keywords: Karakalpakstan, markets, trade facilities, tim, tok, chorsu, indoor markets.

КИРИШ

Қорақолпоғистонда мустақиллик йилларида қурилган бозорларни ўз

қамрови, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва шаҳарсозлик даражасига қараб маҳаллий, минтақавий, миллий ва жаҳон бозорларига ажратиш мумкин. Мазкур мақолада маҳаллий ва минтақавий бозорлар архитектураси тадқиқ қилинган. Келажакда шаҳарлар катталашган сари бозорлар ва савдо биноларининг турлари кўпайиб боради, чунки сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар тури хидма-хил бўлиб, кундан кунга замонавийлашиб бормоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг бозорлари ва савдо иншоотларининг архитектуравий ечимлари улар жойлашган шаҳарларнинг табиий иқлим шароитлари, шаҳарсозлик тизими, жамиятнинг ривожини ва маданияти савдо-сотиқ, қурилиш соҳасидаги анъаналари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Ўзбекистон тарихидаги шаҳарсозликка назар ташласак ўша даврларда кўпроқ “тим”, “тоқ”, “чорсу” типидagi ўсти ёпиқ бозорлар ривожланган. Бундай ёпиқ бозорларнинг ривожланишига асосий сабаб, бу табиий иқлим шароитлари бўлиб ҳисобланади.

Бозорлар нафақат савдо, балки ҳунармандчилик маркази ҳам бўлган. Тошкентнинг “Чорсу” бозори ҳар хилдаги моллар билан савдо қилувчи очиқ кўринишга эга бўлган бозоргоҳ майдонлар, айвон ва дўкон кўринишидаги ҳунармандчилик расталаридан иборат бўлган. XX аср бошларида ушбу бозорда жами қирқга яқин савдо майдонлари ва расталар бўлган. Ғаллабозор, Арпабозор, Гидамбозор, Кийгизбозор, Кўрпабозор, Товоқбозор, Кулолбозор, Мевабозор ва Сабзавот каби бозорча-майдонлар ҳамда Баззозлик, Заргарлик, Кунчилик, Совунгарлик, Этиқдўзлик, Мисгарлик каби расталар шулар жумласига кирган.

“Чорсу форс-суғдча сўз бўлиб, чор – тўрт, сук – бозор, чорраҳаларда жойлашган усти ёпиқ бозор иморати маъносини беради. “Чорсу” гумбазлар билан ёпилган савдо иншооти тарзида адабиётлардан бизга XI асрдан маълум.

Тоқлар асосий савдо зали – миёнсарой, қатор савдо расталари ва ҳунармандчилик устахоналаридан иборат бўлиб, улар усти очиқ бозорлар ўхшаб шаҳарлар маркази, чорраҳа ва чорсуларда бунёд этилган” [1]. Мустақиллик йилларидаги савдо бинолари шаҳарларимизнинг меъморий қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда, улар замонавий конструкциялар ва ўзига ҳос миллий анъаналар асосида яратилмоқда, уларнинг архитектурасида замонавий услуб ва меъморий воситалар шаклланиб, замонавий қурилиш материаллари ва шаҳарлар эстетикасига мос ҳолда бадиий бойитилмоқда.

Шу билан бир каторда ачинарли ҳолат, Нукус деҳқон бозорининг Республикамиз иқлим шароитларига умуман мос келмайдиган сариқ ранглар билан пардозланганлиги (1-расм), ва миллий анъаналаримизга ҳам тўғри келмаслиги,

бу ёпиқ бозор ҳудудида машиналар қўйиш жойининг йўқлиги ҳам (2-расм) шаҳар аҳолисига бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.



1-расм. Нукус шаҳри деҳқон
машиналар
Бозорининг ташқи кўриниши.



2-расм. Бозор ҳудудида
қўйиш жойининг йўқлиги.

Бошқа савдо бинолари ва супермаркетлар шаҳарни боғлаб турувчи шох кўчалар, турар жой массивлари ва микрайонларга жойлаштирилмоқда.

Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши хусусий мулкчиликни қайта тиклаб, савдо еркинлигига кенг йўл очиб бермоқда. Жумладан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ҳайётга тадбиқ қилиниши анъанавий савдони услуб ва меъморий воситалар билан бойитилиб, мамлакат ижтимоий иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини ўрнатди ва бу соҳада янги-янги йўللарни топишда тинмай изланмоқда. Ўзбекистон Республикасида бозор фаолятини ривожлантириш йўлида жуда кўп янги савдо уюшмалари, концепция ва фирмалар, «эркин иқтисодой зона»лар пайдо бўлмоқда, давр талабларига жавоб бера оладиган истеъдодли ишбилармонлар сафи кўпаймоқда.

Бозорлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива Андижон каби йирик шаҳарларнинг турар жой марказларида меъморий ечимлари ўзига хос миллий анъаналар асосида яратилмоқда. Бозорлар шаҳарни боғлаб турувчи асосий шох кўчалар, йирик савдо иншоотлари мажмуаси ва турар жой массивлари, темир йўл, автовакзал яқинида ва микрорайонлар марказида жойлаштирилмоқда. Бозорлар анъанавий қатор устинли-тўсинли қурилмалар, бостирмалар, гумбазли, тоқ ва тим, соябонсимон, ойнабанд, услубда барпо этилмоқда. Буларда сотувчи ва харидорга қулайлик яратиш мвқсадида савдо расталарининг атрофида дўконлар маданий майиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мужассамлаштирилган ҳолда қурилмоқда.

Бозор ҳудудида кўп тармоқли савдо дўконлари, чойхона, деҳқонлар меҳмонхонаси, музлаткичли омборлар, юк кўтаргич, нонвойхона ва бошқалар мавжуд. Тошкентдаги “Эски Жува”, “Олой”, “Қўйлиқ” бозорлари, Бухоро бозори, Самарқанддаги “Сиёб”, Ургутдаги “Ургут” ва бошқа анъанавий ва замонавий меъморчиликни ўзида мужассамлаштирган энг йирик бозорлар шулар жумласидандир [2].

Шаҳарлар катталашгани сари, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ўсиб боради. Очiq турдаги бозорларда катта миқдордаги

турли тез 3-расм. Деҳқон бозори учун ёпиқ бозор
қўринишидаги лойиҳавий таклиф[4].

бузиладиган маҳсулотлар йиғилиб қола бошлайди. Бу маҳсулотларни қуёш нурларидан, ёмғирдан, қордан, чанг ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимоялаш зарурати туғилади[3]. Шунинг учун ҳам деҳқон бозорларига замонавий услубдаги ёпиқ бозорлар архитектурасини таклиф қиламиз (3-расм). Ёпиқ бозорлар учун ажратилган эр майдонини лойиҳалашда ҳаридорлар учун қулайлик яратиш ва уларнинг автомобиллар туриш жойларини белгилаш мақсадида бозор олди майдонларининг ташкил этилиши, шунингдек бозор биноси ва хўжалик, автотранспорт туриш жойлари, бозорларга кириш қулай бўлган очиқ омбор майдонлари ҳам назарда тутилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. УРАЛОВ А.С, САИДОВ И.М. ЎРТА ООСИЁ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ - ВАТАНИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МОДДИЙ МАНБАЛАРИ. САМАРҚАНД,2009.-Б. 66-67.
2. Собиров М, Нурмурадова Ю. Ўзбекистонда бозорлар қурилиши ва архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари мавзусидаги илимий-амалий конференция материаллари: “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал ёшларнинг ўрни”. – Самарқанд, 2015.-б.36-37.
3. Убайдуллаев Х.М, Иноғомива М.М. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари
4. СКАЧОВА Ю.П. КРЫТЫЙ РЫНОК. МЕТОДИЧЕСКИЕ УКАЗАНИЯ К ПРАКТИЧЕСКИМ ЗАНЯТИЯМ. ПЕНЗА,2014.-С.23.